

Бу асар дунёдаги буюк сиймолардан бири, уч сохибироннинг энг машхури жахонгир Искандарга багишланган бўлиб, “Хамса”нинг якунловчи достонидир. Шарқда у Искандар Зулкарнайн (икки шохли ёки кун чикиш ва кун ботиш хукмдори) номи билан машхур. Дастрраб Искандар мавзуси Фирдавсийнинг “Шохнома” достонида каламга олинган. Кейинрок Низомий Ганжавий у хакда маҳсус “Искандарнома” деган достон ёзди. Хусрав Дехлавий бу достонга жавоб тарзида “Ойинайи Искандарий” асарини ёзган бўлса,

Абдур ахмон Жомий ўз достонини “Хирадномайи Искандарий” деб атайди. Алишер Навоий эса бу мавзуни туркий тилда кайта ишлаб, ўз асарига “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) деб ном беради.

“Садди Искандарий” “Хамса”даги энг йирик достон бўлиб, 89 боб ва 7215 байтдан ташкил топган. Достоннинг муқаддимаси 14 бобни ўз ичига олади.

1- боб анъанавий хамд – Аллохнинг сифатлари таърифига багишланган. Навоий ушбу бобда тасаввуф таълимоти асосида оламнинг яратилиш тарихига тўхталиб ўтади: 9 кават осмон, сайёралар, юлдузлар таркумининг хар бирига алоҳида таъриф беради. Яратганнинг буюклигига хамду сано айтади. Буларнинг барчасидан максад энг олий зот Одамни яратиш эканлигини таъкидлайди:

Карам бирла халк айлагай оламе,

Бу оламда максуд анга одаме.

Гараз одаме анга олам тифайл,

Неким гайри оламдур, ул хам тифайл.

2-боб муножотни ўз ичига олади. Навоий бобда Аллохнинг карами кенглиги хакида гапирар экан, банда зоти мавжуд экан, унинг гунох ишлар килиши табиий деган ақидани илгари суради:

Илохий, аларким гунахкор экин,

Сен ўткармаган не гунах бор экин?

Чу хар мужримеким, сен эттинг карам,

Сўрулмас хамул журм ила ўзга хам.

Агар афв бирла карам будуур,

Бори халкнинг журми маъруфдуур.

Муножот сўнгига Навоий күёш ерни ўз нурлари билан мунаввар килган чогда зарралар орасидаги фаркни фахмлаб бўлмаганидек, зарраларга карам килган чогингда Навоийга хам бир зарра каби карам айлагил, унинг гунохларини кечиргил деб илтижо килади:

Ёрурда куёш партавидин саро,

Качон фарк ўлур фахм заррот аро.

Килур вакт бу зарраларга карам,

Навоийга лутф айла бир зарра хам.

Сазо андин ар журму пиндор эрур,

Сен ул килки сендин сазовор эрур.

Хато айлаганни хисоб айлама,

Хатосига лойик азоб айлама.

Достоннинг З-боби “сайид ул мурсалин” (пайгамбарлар улуғи) расули акрам васфи (наът)дан иборат. Навоий дастлабки байтларда пайгамбарлик нури хакида гапирав экан, Одам Ато унга ўгил, колганлар набира каторидадир дейди ва барча муқаддас китобларда унинг хусусиятлари баён килинганини таъкидлайди. Расули акрамнинг туғилиши гўё кўкда яна бир куёшнинг порлашига ўхшатилади:

Сенинг тугмогинг равшан айлаб жаҳон,

Анингдекки, туккай куёш ногахон.

Анъанага мувофик, наътдан сўнг меъроj туни таърифи келади. Навоий бу бобда пайгамбаримизнинг бирин-кетин 9-осмонга кўтарилганлари, сайёralарнинг бу холатни кўриб, хайратга тушгани, нихоят Ломакон оламига сайд килиб, 70 минг кават парда кўтарилиб, Жаноби Хак билан дийдорлашганлари жараёнини кучли пафос билан тасвирлайди. Уларнинг ерга кайтишлари хам фалак ахли ва малойиклар томонидан чукур хайрат билан кузатилгани бетакрор бадиий санъатлар воситасида баён килинади:

Фалак ахли ичра алоло тушуб,

Малак хайлига шўру гавго тушуб.

Малоик тутуб йўл бошин жавқ-жавқ,

Тамошосида борча кўнглида шавқ.

Жамолига чун кўзларин очибон,

Табак нурлар бошига сочибон.

Анга нур сочмокка монанд бу

Ки, сочкай киши Бахри Уммонга сув.

Достоннинг 5- боби “Хамса” такмили (мукаммал битказиш) хусусида бўлиб, Навоий бу бобда унда “Хамса” ёзиш хаваси анча илгари, Низомий ва Дехлавий “Хамса”ларини ўкиб юрган чоғларидаёқ уйгонганлигини баён килиб, улуг устозлари руҳидан мадад сўрайди:

Бу водий аро Хизри рохим бўлинг,

Каён юз кетурсам панохим бўлинг.

Бурундин чу кўргуздунгуз ёрлик,

Басе етти сиздин мададкорлик.

Кичик эрканимдин бўлуб кошима,

Улуг муддао солдингиз бошима.

6-боб сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий мадхига багишланган. Навоий бу бобда дастлаб сўзга таъриф берар экан, уни ўз ахамияти билан инсон идрок этган хамма нарсадан юкори деб баҳолайди, уни “жавхари жон”, “оби хайвон” деган сифатлашлар билан мадх килади:

Бийикрак маком ичра афлокдин,

Не афлокдин, вахму идроқдин...

Башар зотида жавхари жон хам ул,

Ўлук жисмида оби хайвон хам ул.

Навоий сўз хазинасига эга бўлганларнинг нодири яктоси сифатида Ганжада парвариш топган зот Низомий Ганжавийни тилга олиб, котибларнинг хомийси Аторуд (Меркурий) унинг хизматкоридир дейди. Шунингдек, бу бобда Низомий бешлигига муносиб жавоб битган Хусрав Дехлавий хам мадх этилиб, унга сўз жодугари, илм хикмат билимдони деб таъриф берилади. Сўз авжида Низомий куёш бўлса, Дехлавий Муштарий кабидир дейилади:

Сўз авжида гар ул махи ховарий,

Бу гар йўқ махи ховарий, Муштарий.

7-боб Низомий ва Дехлавийнинг назмдаги издошлари Нуриддин Абдурахмон Жомий мадхига багишланган. Навоий китобот (харф) санъати воситасида Жомийнинг тахаллусига ишора килиб, унинг назмини “жом” ва “май” деб таърифлайди ва бу назмдан еру кўк эли маству нотавон бўлганини айтади:

Дема жом ила майки, назми равон,

Еру кўк элин айлади нотавон.

Шунингдек, Навоий ушбу бобда Жомийнинг газалу маснавий жанрларида эришган ютукларига хам тўхталиб ўтиб, унинг “Хамса” таркибига кирувчи достонларини номма-ном санаб ўтади:

Газал дарду сўзини, вах-вах, не дей,

Деса маснавий, Аллох-Аллох, не дей...

Бўлуб жилвагар табъи кўзгусида

Ки, сабт айлади “Хамса” ўтрусида...

Бурун жилва айлаб аён “Тухфа”си,

Берib олам ахлига жон тухфаси.

Яна “Субха” жон риштасин тор этиб

Ки, хар муҳра бир дурри шахвор этиб.

Чу Юсуф сўзин ошкор айлабон,

Зулайхо киби элни зор айлабон.

Чекиб хома “Лайлию Мажнун” сари,

Юз оғрат солиб тогу хомун сари.

Бу дамким килиб хомасин дурфишон,

Сикандар хадисидин айтур нишон.

Бу маълумотлар адабиётшуносликдаги Жомийнинг “Хамса” ёзган-ёзмаганлиги билан боғлик бахсларга хам муносиб жавоб бўла олади.

Достоннинг 8-боби – “Иноят куёши васфи ва хидоят булути таърифида” деб аталиб, бу бобда Навоий кимгаки бахту иқбол ёр бўлса, унинг хамма ишида зафар бўлади, тикан ушласа гунча, тупрок олса олтин бўлади, буларнинг барчаси Худодан, шундай экан унга шукронга билдириш керак деган фикрларни келтирас экан, Аллоҳ унга назм ёзиш фазилатини такдим килгани учун унга шукронга айтади ва назмнинг турли синф (жанр)ларида шухрат козонганини фаҳр билан баён килади:

Газал тарзига аввал айлаб ситеz,

Жаҳон ичра солдим улуг рустахез.

Ўкур вакти ахли саломат муни

Кўруб олам ичра киёмат куни...

Хар аснофи зикри эмас шаънима,

Билур хар киши бокса девонима.

Шунингдек, Навоий назмдаги бу муваффакиятларига каноат килмай, улуг муддао “Хамса” ёзиш ниятида эканини, бу йўлда Низомий ва Дехлавийларнинг нуроний рухига, Жомийнинг илохий кувватига “Куръон”тиловат килиб, фотиха ўқийман деб ёзади:

Аларнинг равони пур анворига,

Бу бирнинг доги куввати корига.

Килиб фотиха хатми ихлос ила,

Кўзум баҳрида жисми гаввос ила.

9-боб Шоҳ Гозий Хусайн Бойкаро таърифига багишланган. Навоий бу бобда муболага санъати воситасида Мухаммад (с.а.в) пайгамбарлар орасида алохида мавкеда бўлса, Султон Хусайн Бойкаро хам барча шохлар ичида шундай макомдадир деб ёзади. Шунингдек, унинг жанггоҳдаги маҳоратини тасвиirlар экан, достон мазмуни билан боғлик равишда душманларига нисбатан садди Искандарийдек гов чекади, агар жаҳонда Искандардек улугсифат зотни топиш керак бўлса, Султон Хусайндан бошкаси мос келмайди деб ёзади.

Достоннинг 10- боби шахзода Бадиуззамон Баходир мадхидадир. Навоий унга донишмандлик бодининг сарви, замона ахлиниң шахзодаси деб таъриф берар экан, зоти хам, сифати хам малак (фаришта)га ўхшашини айтиб, тавзеъ (бир товушни бир неча марта такрорлаш) ва тақрир (бир сўзни байтда икки ва ундан ортиқ холда такрорлаш) санъатлари воситасида унинг бошдан-оёқ яхшилик ва яхши хислатлардан иборат эканлигини баён килади:

Йигиб яхшилик бирла яхши килик,

Киликдек бошингдин аёқ яхшилик.

11-14 бобларда кадимги форс-эрон шохларининг тўрт табакаси: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар тарихи хакида маълумотлар келтирилади.

Достоннинг асосий кисми 15-бобдан бошланади. Асосий кисм ўзига хос композицияга эга. Уни шартли равишда куйидаги 4 кисмга бўлиш мумкин:

- 1) Искандар воеаси – Искандар хаёти билан бодлик бирор воеа ёки ходиса баёни;
- 2) назарий масала – муайян ахлокий муаммонинг таърифи;
- 3) хикоят – шу ахлокий масалага доир хикоят;
- 4) хикмат – Арасту ва Искандарнинг сухбати.

Биринчи кисм лирик хотимага хам эга. Бу сокий, муганний ва Навоийга мурожаат тарзидаги байтлар бўлиб, Низомийда “Искандарнома”нинг биринчи кисми бўлмиш “Шарафнома”да сокийга, иккинчи кисм “Икболнома”да мутрибга мурожаатни кўрсак, Дехлавий достонида хам сокий, хам мутрибга мурожаат мавжудлигини кузутамиз. Навоийда эса сокий ва мутрибдан сўнг, ўз-ўзига хам мурожаат килинганлиги кўринади. Хусусан, 15-бобнинг лирик хотимаси куйидагича:

Аёгчи, бер ул жавхари гамзудо,

Дема гамзудо, жоми мотамзудо.

Ки, андин сумурсам гамим колмасун,

Ато сўгидин мотамим колмасун.

Муганий, килиб соз руди нишот,

Анинг бирла тузгил суруди нишот.

Ки, сўз тахтида бўлдум оромгир,

Бўлай тахният базмида жомгир.

Навоий, жаҳоннинг фирибин ема,

Хирад оллида накшу зебин дема.

Чу даврон иши бевафоликдуур,

Фузун шохлигдин гадоликдуур.

Асосий кисм воеалари Искандарнинг тугилишидан бошланади. Рум мамлакатининг шохи Файлакус тангридан фарзанд сўрайди. Бир куни овдан кайтар экан, шахарга

кираверишдаги вайронада янги тугилган чакалок ва ўлик онани учратади. Шох ўликни дафн эттириб, чакалокни ўзига фарзанд килиб олади ва унга Искандар деб ном беради. Шох Искандарнинг таълим-тарбиясига катта эътибор беради ва Арастунинг отаси Накуможисни унга устод килиб тайинлайди. Искандар тож-тахт ва бойликка эмас, балки илм-фан ва олижаноб фазилатларга мухаббат руҳида улгаяди.

Достон билан танишиш жараёнида Навоий шунчаки Искандар тарихини ёзишни эмас, балки у билан боғлиқ воқеаларнинг маъносини очишни максад килганлигини кўрамиз. Буни юкорида келтирганимиз муайян ахлокий масаланинг таърифи, хикоятлар, савол-жавоб ва лирик хотималарнинг ўзаро алмашиниб келишидан хам сезиш мумкин.

Файлакус вафот этгач, валиахд сифатида тахтни Искандар эгаллаши керак эди, лекин у тахтга чикишга ошикмайди. Халк унинг шох бўлишини каттик талаб килиб туриб олгандан кейингина Арасту унга тож кийгизади. Искандар халк олдига шарт кўйиб, кимнинг арз-доди бўлса, шохни ўзи билан тенг кўриб, ахволини айтишини сўрайди:

Ки, берди манга додгарлик Илоҳ,

Бор эрса халойик аро додҳоҳ,

Келиб оллима арзи хол айласун,

Ўз ахволини кийлу кол айласун!

Искандар таҳтга ўтиргач, адолат билан мамлакатни бошкара бошлайди. Халкни икки йиллик хирождан озод этади. Достонда шу ўринда адолатнинг таърифи берилади. Бу таъриф хадислар воситасида тушунтирилади. Масалан, бир соатлик адолат фаришталарнинг, дунёдаги барча инсонларнинг тоатидан афзал деган хадис келтирилади. Сўнг шох Масъуднинг бир куни тушида отаси Махмудни нурга гарк бўлган холда жаннат bogларида юрганини кўргани ва отасидан бу холга кандай сазовор бўлганини сўраганида, отаси Хиндистонни эгаллаш вактида элга килган биргина адолати туфайли Аллоҳ унга шундай мартабани лойик кўргани хакида сўзлаб берганига доир хикоят илова килинади. “Хикмат” бобида эса Искандарнинг Арасту билан адолат хакидаги савол-жавоби келтирилади. Арастунинг фикрича, шох хар бир ишда адолат мезони асосида иш тутса, унинг мулку мамлакати обод, халки бадавлат бўлади. Халк бадавлат бўлса, аскарларнинг маоши хам ортади ва кўшин хамиша голиб бўлади.

Шу тариқа Искандар адолат мезони асосида кўплаб мамлакатларни эгаллайди, сув тубига тушади. 23-бобдан достонга Доро образи кириб келади. Навоий Дорога тавсиф берар экан, унинг Каёнийлар сулоласи вакили эканлигини, жаҳон подшоси сифатида Кайхисраву Кайкубодларнинг авлоди эканлигини, унинг давлатни бошкаришида Лухросбнинг тартиблари, кўшинида Гуштосбнинг конунлари устувор эканлигини баён килади. Доро ва Искандар орасидаги хирож можароси бу икки шох ўртасида ихтилофнинг пайдо бўлишига олиб келганлигини афсус билан таъкидлайди.

Уруш бошланади. Аммо тез орада Доронинг ноиблари хиёнат киладилар ва Доро ярадор холда Искандар кўлига асир тушади.

Ўлими олдидан хиёнаткорларни жазолаш, унинг кариндош-уругларига озор бермаслик ва кизи Равшанакка уйланишни Искандарга васият килади. Искандар Доронинг барча васиятларини ортиги билан адо этади, Дорони иззат-икром билан дафн килади. Шу ўринда Искандарнинг жаҳонгир шох бўлиш билан бирга чексиз меҳр сохиби эканлиги хам гоят мохирлик билан тасвирланади.

Искандар Эронни эгаллагач, жаҳонни фатҳ этишга киришади. Кўплаб ўлка подшоларига хат ёзиб, мамлакатда адолат ва осойишталик ўрнатмокчи эканлигини ва шунга мос холда ўз ихтиёрлари билан унга таслим бўлишларини сўрайди. Аксарият подшолар унга бўйин эгиг келадилар. Факат Кашмир, Хинд ва Чин хоконларигина унга бўйсунишни истамайдилар. Искандар Кашмирга юриш килишга мажбур бўлади ва мамлакат шохи Маллуни бўйсундиради. Унинг васиятига биноан кизи Мехрнозга уйланади, ўгли Ферузни Кашмирга подшо килади. Хирот ва Самарканд шаҳарларини барпо килади. Тез орада Хинд ва Чин хоконлари хам Искандарнинг шаъну шавкатига тан бериб, унга жангсиз таслим бўладилар.

Искандар ер юзини эгаллагач, денгиз сирларини хам билиш учун узок сафарга чикади. Шишадан сандик ясаб, уммон тубига тушади ва кўплаб ажойиботларни кўради. Аммо сафардан кайтишда хасталанади ва тутинган онаси Бонуга ўгилликни ўрнига кўя олмаганидан узр сўраб, мактуб ёзади. Мазкур мактуб бутун дунёни зabit этса-да, охир-окибат у дунёга хеч бир нарсасиз, очик кўл билан кетаётган, бу оламга шоҳ бўлгандан кўра онадек буюк зотга куллик килиш шарафи юксакрок эканлигини англаган улуг жаҳонгирнинг икрорномаси эди:

Бошимга тушуб харза андешае,

Дедим олам очмок эрур пешае.

Не килгон хаёлим бори хом эмиш,

Хавас жоми кўнглумга ошом эмиш.

Керак эрди, то кирди магзимга хуш,

Хирад токи солди димогимга жўш.

Демон килсам эрди ўгуллук санга,

Кабул айласам эрди куллук санга.

Санга айлабон хоки даргохлик,

Анинг отин айтсам эди шохлик.

Асосий кисмнинг сўнгги бобида етти файласуф ҳаким: Афлотун, Сукрот, Балинос, Букрот, Хурмус, Фарфинюс ва Арасту Искандарнинг онасига таъзия билдиргани келадилар ва шу билан Искандар воқеаси поёнига етади.

Достон бошка достонлардан фарк килиб, каттагина хотима билан яқунланади. Хотима 6 бобдан иборат бўлиб, “Садди Искандарий” достонини тугаллаш билан муайян маънода “Хамса”га хам яқун ясайди. Хотима куйидаги бобларни ўз ичига олади:

84- боб – Хусайн Бойкаро ва унинг фарзандлари таърифи

85- боб – Хакимлар (денишмандлар) таърифи

86- боб – Гадонинг шохга насиҳати хусусида

87- боб – Сўз гавҳари хусусида

88- боб – Дарвешалига насиҳат

89- боб – Хулоса.

Достоннинг сўнгги бобида Навоий унга баҳт-давлат рахнамолик килиб, нихоят “Хамса”ни якунлаганини ёзар экан, “Хайрату-л-аброр” достони ёзилишидан бошлаб “Садди Искандарий” якунлангунча бўлган жараённи бирма-бир эслаб ўтади. Навоий тонг отиб кеч киргунча эл-юрт ташвиши билан банд бўлгани холда салафлари узок муддат ёзган “Хамса”ни жуда киска муддатда – икки йилда якунлаганини, агар бевосита факат ёзиш учун кетган вакт хисоблаб чикилса, олти ойга хам бормаслигини фахрия тарзида баён килади:

Сангаким йўқ эмгакда гоят падид,

Улус меҳнатида нихоят падид.

Килиб тонгдин окшомгача кийлу кол,

Юзунгга етиб хар нафас юз малол.

Ўзунг тинмайин халк гавгосидин,

Кулогинг халойик алолосидин.

Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,

Замондин камо беш ўтуб ики йил.

Чекиб хома бу нома итмоломига,

Етургайсөн оғозин анжомига

Ки, акли мухосиб шитоб айласа,

Дейилган замонин хисоб айласа.

Йигиштурса бўлмас бори олти ой

Ки, бўлдунг бу раънога суратнамой.

Навоий ўз бешлиги китобхонлар томонидан кандай баҳоланишини билиш учун устози Абдурахмон Жомийнинг хузурига боради ва унга “Ҳамса”ни тақдим этади. Жомий асарни бирма-бир вараклаб, шоирга лутф билан муносабатда бўлади ва бир кўлини шоирнинг елкасига кўяди. Устоз ва пир Жомийнинг кўли елкасига теккач, шоир бир лахза хушини йўкотади ва тахайул оламига гарк бўлади: Навоий ажойиб бир гулистонда сайр килиб юриб, бир гурух сухбатдошларни кўриб колади. Улардан бири шоир томонга келиб, ўзини форс-тожик шоири Хасан Дехлавий деб танишитиради ва даврадагилар шоирни кўрмокчи эканликларини айтади. Навоий хаяжон билан давра ахлига якинлашади. Хасан Дехлавий даврадагиларни Навоийга танишитиради. Ўртада Низомий Ганжавий, унинг икки ёнида Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий, уларнинг атрофида ўтирганлар эса Фирдавсий, Унсурий, Саъдий, Саноий, Хоконий ва Анварийлар эди:

“... Ўртодаги пири фаррухжамол

Ки, васфида келди хирад нутки лол,

Эрур ҳазрати Шайх, огоҳ бўл!

Ниёз айлабон хоки даргоҳ бўл.

Ўнг илги сори анга пайравдуур,

Жаҳон оғати – Мир Хусравдуур.

Яна бир ён устоду пириңг сенинг,

Ракамхони лавхи замиринг сенинг

Чу Саъдию, Фирдавсию, Унсурий,

Саноию, Хоконию, Анварий”...

Даврадагилар Навоийни кўришлари билан ўринларидан турадилар. Унинг бир кўлидан Хусрав Дехлавий, иккинчи кўлидан Абдурахмон Жомий тутиб, Низомийнинг ёнига ўтқизадилар. Навоий Низомийга таъзим бажо келтириб, унинг ёнига ўтиради. Низомий Навоийнинг “Хамса”сига юксак баҳо беради ва Жомийдан шоир хаккига дуо ўкишини сўрайди...

Шу онда Навоий тахайул оламидан кайтиб караса, Жомий кўлини унинг елкасидан олган ва унга караб турган экан. Жомий Навоийни улуг муддаога етишганлиги билан кутлаб, Тангрига шукrona келтиришга чорлайди. Нихоят Аллоҳдан мадад сўраб, илохий жумла билан ибтидо топган “Хамса” буюк Яратганга шукроналик билан якун топади:

Навоий, килиб Тенгри коминг раво,

Санга рўзи этти ажойиб наво.

Узот Тенгри шукри навосига тил,

Наво ортук истар эсанг, шукр кил!

“Садди Искандарий” мутакориб баҳрининг мутакориби мусаммани маҳзуф (рукнлари ва

тактиъи:

фаувлун фаувлун фаувлун фаул

V –

–

V –

–

V –

–

V –) вазнида ёзилган.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1993. 11-жилд.
2. Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. – T.: G’ulom nomidagi NMIU, 2006.
3. Навоий Алишер. Садди Искандарий (насрий баёни билан). Тахрир хайъати: А. Каюмов ва бошк. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
4. Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главной версии на Востоке / Избранные

труды. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965.

5. Каюмов А. “Садди Искандарий”. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

6. Эркинов А.С. Навоий – пейзаж устаси. - Т.: Фан, 1988.

7. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Т.: Фан, 1977.

Дилнавоз Юсупова